



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026

БОБУРНИНГ МЎЪМИН КЎНГЛИ BABUR'S PIOUS DISPOSITION

Узоқ Жўрақулов

Филология фанлари доктори,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
профессори

E-mail: juraqulovuzoq@navoiy-uni.uz

ORCID: 0000-0003-4835-0694

DOI: [10.52773/tsuull.conf.2026/JAOF5344](https://doi.org/10.52773/tsuull.conf.2026/JAOF5344)

Аннотация. Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”си асосида фикр юритилади. Бобурнинг шоҳ ва шоир сифатида шаклланишида салтанат, шахсият ва оила муҳити, биографиясидаги фоживий вазиятлар қандай рол ўйнагани психобиографик асосда таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Бобурнома, вақойиъ, биография, психобиография, рубоий, мисра, банд, портрет, характер, тасвир, ифода, услуб.

Annotation. This article offers an analysis based on Zahiriddin Muhammad Babur's Baburnama. It examines, through a psychobiographical lens, the role played by the spheres of kingship, personality, and family environment—as well as the tragic circumstances found in Babur's biography—in shaping him as both a ruler and a poet.

Keywords: Baburnama, vaqayi', biography, psychobiography, rubai, line, stanza, portrait, character, description, expression, style.

Тарихни сабоқ учун ўргандилар. Бу гапда ёлғон йўқ. Аммо тарих ҳақиқати икки тигли, учи ҳеч нарсага тегиб қайтмайдиган, мудом тўғрига ҳаракатланувчи, вақт қанотида кун кечирадиган Оллоҳнинг мўъжизаси, мажозан Ҳазрати Али (р.а.) зулфиқорларига ўхшайди. Шу келбати билан тарихий вақт башар учун фойдали, айни пайтда, хавфли ҳам бўлиши мумкин.

Тарихнинг фойдаси ҳақида Бобур мирзо мисолида тўхталишга ҳали улгураамиз. Чунки мақоламиз Бобур ва унинг башарга берган тарихий сабоқлари ҳақида. Бобур масаласига ўтишдан олдин, ўқувчини бир оз ҳайрон қолдирган, кўнглида савол туғдирган – тарихий ҳақиқатнинг хавфи, аниқроғи, хавфли сабоғи ҳақида қисқа сўз.

Тарихнинг башарият учун хавфли сабоқлари жуда кўп. Бунинг энг йириги Яратганни унутиш, жоҳилият, кўпхудолилик бўлса, энг кичиги кўр-кўрона тақлидир (аслида бу ҳам кичик эмас!). Тарихнинг шу икки хавфи –



кабира ва сағира – орасидаги хавфларнинг эса санаб саноғига етиб бўлмайди. Ватан, миллат, оила, тил, дўстга хиёнат дейсизми, кибр, кўрқоқлик, ношукурлик орқасидан келадиган оқибатлар дейсизми, очкўзлик, бефаросатлик, ҳаёсизлик дейсизми ва ҳ.к... Тарихда бўлиб ўтган ва оғиздан оғизга ёки қоғоздан қоғозга кўчиб юрадиган бу каби хавфли тарих ҳақиқатлари, башар вакилининг хатолари ўзининг бошланган нуқтасидан эътиборан хавф машинаси вазифасини бажариб келади. Илк қадамдан бошлаб, Одам болаларининг йўлдан озиши, “Ўтмишда бўлган экан”, дея нафсига таскин беришига сабаб бўлувчи оғу воситага айланади.

Ёзганларимизни шу жойигача ўқишга ўзида куч ва сабр топган ўқувчида яна бир қатъий эътироз туғилиши табиий: “Банда борки, хатокор. Дунёда яшаб хато қилмаган одам бор эканми?” дегандек. Агар ўқувчи юрагида шу савол туғилган бўлса, у ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам лоқайд эмас, бу биринчидан; иккинчидан, шу саволнинг туғилгани бизга Бобур мирзо сабоқлари ҳақида фикр айтиш ҳуқуқини беради. Учинчидан, хатолар сабоғининг нақадар улкан ҳикматга эгаллиги, хатонинг ҳикматга айланиши учун хатокор банданинг ўзи бош воситалигига далил бўлади. Яъни майда одамнинг (уни тарих улкан одам қилиб кўрсатиши эҳтимол) хатолари одамизотни йўлдан оздирса, Оллоҳ севган, ёрлақанган одамнинг хатоси башар учун ибрат ва ҳикматга айланади.

Алқисса, ўз хатосини англаган, англаш баробарида ундан қайтиб, чин тавба қилган банданинг хатолари башар фойдасига ишлайдики, Бобур мирзога оид хато сабоғининг табиати шундай. Бошқача бўлганида бугун биз бу ҳақда гап очиб ўтирмас эдик. Ва шу жойда бундай одамлар Бобурга кечган тарихда ҳам кўп ўтгани, айнан шулар башар маърифатининг юксалиши учун восита бўлганини ҳам кўшиб қўйиш ортикчалик қилмас.

Бобур ҳақидаги бу хулоса осмондан олинаётгани йўқ. Бобур ўз қўли билан Оллоҳ гувоҳлигида битган “Бобурнома”дан олинган. Муаллиф бу китобининг қанадай дунёга келганию нима ҳақдалиги, бир сўз билан, “Бобурнома” ҳақиқатини куйидагича ифодалайди:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақойиъ”ни уқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не гамлар кўрдум...*

Бобур мирзо, Навоий ҳазратлари айтмиш “тузлик йўлини тутган”, ноёб одам эди. Бугун “Бобурнома” ўлароқ дунёга маълуму машҳур мазкур китоб саҳифаларида у битмиш ҳақиқатларга эса шубҳа йўқ. Айни пайтда, у босиб ўтган ҳар қадамдан ақл эгалари ҳикмат топадилар. Зотан, муаллифнинг нияти ҳам шу бўлган.

Бобур мирзо ўз ғалабалари, қилган савоб ишлари, кўнглидан кечирган эзгу ниятлари ҳақида холис ёзгани каби, хатою маъсиятларини ҳам ҳеч кимдан яшириб ўтирмайди.



Дастлаб ўзбекман деганнинг ҳаммаси ёддан биладиган бир тўртлик ҳақида:

*Толё йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўюб, Ҳинд сори юзландум,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди...*

Бобур мирзо Соҳибқирон Темур тузган салтанат фатаротга юз бураётган, унинг ҳукмдор авлодлари таҳликалар ичида кун кечираётган мураккаб бир замонда тахтга ўтирди. Толё йўқлиги шунда эдики, ҳали болалик шодлигидан бошқага масъул бўлмаган ёшида отасидан жудо бўлди. Ҳар қандай метин иродага бундай улуғ жудолик юкини кўтариш оғирлик қилади. Бундай жудоликка матонат билан бардош бера олган ҳар қандай иродага тасанно десак арзийди. Бобур мирзо умумбашарий турмуш йўлидаги бундай ғаройиб синовни камолга етган эр киши каби қабул қилди. Кўнгли тубидан келаётган ўкирик, кўзларидан оқиши лозим бўлган аччиқ жолалар шодасини ичига ютди. “Их” деган товуш чиқармади. “Бобурнома”да етим бола (ҳа, Бобур ҳали балоғатга етмаган 12 ёшида отасидан ажради. Шаръан болиғлик мақомига чиқмаган ҳар қандай ўспирин етим саналади) изтиробини акс эттирадиган бирор сатрга дуч келмаймиз. Бобур отаси ўлимини қисмат ёзуғи дея қабул қилади. Бу “ғаройиб воқиъа”ни аниқ ва лўнда тасвирлайди: “Ушбу тарихда душанба куни, рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз ёшар эди” [Бобур, 2002: 37].

Оллоҳ одил Зот. Ҳеч бир бандасини тоқатидан ташқари синовга солмайди. Яратган бандасининг куч ва иродаси қайси чегарагача етишини яхши билади. Ўз синовларидан севган бандалари устига оғирроқларини юклайди. Бобур ҳам Оллоҳнинг севган бандаси эди. Валлоҳу аълам, шу боисдир Оллоҳ уни фақат жудолик, етимлик синови билан чекламади. Мурғак елкасига юрт синовини ҳам қўшиб юклайди. Умаршайх мирзо қазо қилган тарихда юрт нотинч, ўзаро урушлар авжига чиққан, мамлакат таҳликали бир вазиятда турган пайтлар эди. Шу вазиятда 12 ёшли ўспирин бошига ҳукмдорлик савдоси ҳам тушди. Ўз “Вақойиъ”ида Бобур бунини “Тенгри таолонинг инояти” [Бобур, 2002: 14] деб ёзадики, чин мўъмин Оллоҳ берган ҳар бир синовни шубҳасиз неъмат дея қабул қилади. Қисматга розилик – таслимият мақомида собит туради.

Энди рубойининг иккинчи мисрасига ўтамиз. Хўш, иккинчи мисрада келган “хатолиғ” нимада эди? Унинг омиллари қаерда?

Албатта, “хатолиғ”нинг бош омили 12 ёшар боланинг ҳукмдорлик тахтига ўтириши билан боғлиқ эди. Рубойининг учинчи мисрасидан Бобурнинг “Ҳинд сори” юзланишига бош сабаб салтанат ишларида тажрибасизлиги, ёшлиги орқасидан келиб чиққан хатолар экани маълум бўлади (Бунини Бобурнинг ўзи “бетажрибалиқ” лафзи билан кўп бор



такрорлайди.) Аслида у ҳижратни ният ҳам, мақсад ҳам қилмаган эди. У отасидан деярли пораканда ҳолатдан қолган мамлакатни мустаҳкамламоқ, салтананг ва юртни узоқ вақтлар бобоси Амир Темурга хос адолат тузугига кўра бошқармоққа бел боғлаган эди. Аммо бу ниятни уддалаш учун ўсмирга хос шижоат, мушоҳада камлик қилди. Бобур тахтга ўтирган кунидан бошлаб тушган вазиятни ўнглаш учун, эҳтимол, ҳар қандай донишманд бош ҳам гангиб қолиши тайин эди. Шу сабабмикан дастлаб Бобур на бутун Мовороуннахр ва на Хуросон бўйлаб сочилиб ётган ҳукмдор қондошларининг, на халқнинг, на оқибат ўлароқ Ҳақнинг қўлловига етишолмади. Бобоси Юнусхон унинг таклиф ва ташаббусини қабул қилишдан бўйин товлади. Тоға қавми азалдан Умаршайх мирзо салтанатига кўз тиккан эди. Улардан мадад кутишдан маъни йўқ эди: “Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу навъ беҳонумонлиқтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши”, дея хотирлайди бу кунларини Бобур [Бобур, 2002: 89].

Шундай танг вазиятлардан бирида Бобур учун асли шиъа бўлган, сунний ўлкаларга ғаюр кўзи билан қараб юрадиган, нияти бузук Шох Исмоилга ёрдам сўраб, қўл бериш сўнгги чора бўлиб туюлдики, кейинчалик, гарчи ўзи очик эътироф этмаса ҳам, бу ишидан бир умр пушаймон чекиб ўтди. Бу пушаймонлик остида салтанитдан ажралиш, ҳатто Ватанжудолик қайғусидан ҳам кўра Самарқанд атрофи ва Насаф аҳолисининг ғарот қилиниши изтиробини турарди. Бегуноҳ тўкилган қон, ота-боболари мазҳаби, тўғри йўлидан тойилиш изтиробини Бобур мирзо вақт ўтиб, “юзқаролиғ” сўзида ифода этди. Рубоийни юракдан ҳис этиб ўқиган ҳар бир банда инсон ҳаёт-мамоти билан боғлиқ ҳар қандай “хатолик”нинг оқибат ўлароқ “юзқаролик”қа олиб боришини англайди. Ўзга юрт, устига устак куффор дунёсини тиз чўктирган, кўп асрлик салтанат тузган, дунёда шон-шуҳрат топган Бобур мирзонинг бундай имтиёзга берган баҳою мезони ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Ярим дунёни эгаллаб, тарихдаги туркий салтанатлар саноғи ва салмоғини яна биттага оширган Соҳибқирон Амир Темур, оламни илм чироғию адолат машъали билан ёритган мирзо Улуғбек ҳазратдан кейин бу сулола йўл қўйган энг катта икки хато чоғир, орзу-ҳавасга берилиш бўлди. Ўша машҳур шоҳ ва шоир султон Ҳусайн, унинг ўғиллари, улардан ўтиб Бобурнинг отаси Умаршайхгача бу иллатдан холи шоҳу шахзода йўқ эди ҳисоб. Оқибат шундай буюк салтанат йўқликка юз тутди. Бобур бошига тушган кўп кулфату фожиаларнинг ҳам илдизи шу ерда эди. Дарё ортига ўтиб, Ҳиндикушни ошган Бобур то Ҳинд рожаларидан талофат ва заҳмати ҳаддидан ошмагунча чоғир балосига банди эди. Шароб ичмаган, маъжун емаган кун камдан кам эди унинг. Бобур бу ҳолатни “чоғир мажлиси бўлди”, “маъжун ейилди”, дея кунма кун ёзадики, ўйлаб қоласан: “Нима



зарурати бор экан? Мусулмон одам ўз айбини яшириши керак эмасми?” Шунда овозингизни Бобур мирзонинг мунгга тўла, салмоқдор овози қаршилагандек бўлади: “Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен...” [Бобур, 2002: 151].

Бобурнинг чоғир ичши, маъжун ейишини яқин аждодлари-ю қондошларига тақлид деб айтсак, гарчи Бобур илк чоғирни султон Хусан ўғиллари ҳузурида ичиб бошлаган бўлсада, камида бефаросатлик бўлади. У буюк одам эди, бировга тақлид қилмасди. Унинг бир умр эгарда кечган ҳаёти, жанговор турмуш тарзи, нотинч муҳити, табиат инжиқликлари – аёз, бўрон, иссиқ, чанг-ғубор, табиий муҳит ўзгаришлари – шундай кун тартиби билан яшашга мажбур этди дегудек бўлсак, Бобурни оқлаган бўламиз. Аммо Бобур бундай сохта шафқату оқловларга муҳтож эмас. Муҳтож бўлганида нима сабабдан ичгарию, маъжун еганини ёзган ёки умуман бу айбини яширган бўларди. Демак, яширмаган, сабабу баҳона қидирмаган экан, бунинг бир ҳикмати бор ва биз буни “Бобурнома”дан топамиз.

Бобур ўз юртида иззату ҳаловат топмай, 300 дан ошиқроқ одами билан Хуросон азиматини қилди. Бу санада у бор-йўғи 23 ёшар ўспирин эди. Султон Хусайн ва унинг ўғиллари, Хусравшоҳлар уни қўлламадилар ёки қўллашдан ўзларини олиб қочдилар. Аммо Бобурга Оллоҳ музаффарият берди. Кобул ва Ғазна Бобур кўшинига бежанг таслим бўлди: “Раббиулаввал ойининг авохирида Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мухассар қилди” [Бобур, 2002: 107].

Бобур май мажлисларига Кобулни олгандан кейин берилди. Гоҳ ғалаба, гоҳ ов ва яна кўп майда сабаблар билан май мажлислари уюштирди. Боғда, йўлда, кемада чоғир ичди, маъжун еди. Ҳатто баъзи май мажлисларидан ўзини билмайдиган ҳолда маст бўлгани, саройга оти олиб келгани ҳақида ёзади.

Ҳиндистон фатҳи даврида Бобур асосан ҳинд кофирлари билан жанг қилди. Асли туркий, мусулмон бўлган вилоят, шаҳару ўлкаларни ғарот қилмади. Аксинча уларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга уринди. Бобурнинг чоғир ичишдан тавба қилишига ҳам кофир Рана Сангаа билан бўлган жангдаги вазият сабаб бўлди. Сон жиҳатидан кўп, яхши қуролланган, қолаврса, ўз юртида жанг қилаётган кофир ҳинд рожасининг ваҳми кўшинни тушкун ҳолатга солади. Бу ҳам етмагандек Муҳаммад Шариф сингари шумнафас мунажжимлар кўшин илғорлари ва аскарлари юрагига ортиқча ваҳима уйғотадилар. Бобур бу вазиятни шундай тасвирлайди: “Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди” [Бобур, 2002: 221]. Аммо Бобур иймони бутун муслим, истеъдодли кўшинбоши ўлароқ ўзини йўқотмади. Кўшин кўнглини кўтариш, кофирга қарши жангга руҳлантириш йўллари излади. Излаганда ҳам мўъмин банда йўлини тутди. Мағлубият ва тушкунлик сабабини вазияту кўшин

рухиятидан эмас, ўзидан, ўз эътиқоди, амалларидан топди. Қилаётган баъзи номашруъ ишлари шундай оқибатга олиб келаётгани ҳақида фикр қилди. Нажот фақат тавбада эканига иймон келтирди. “Душанба куни, жумодуил аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримға еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртиқобидин алладдавом кўнглумда ғубор эди, дедимким эй нафс:

Чанд боши зи маосй мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест бачаш.
Неча исён била олдудалиғинг,
Неча ҳирмон аро осудалиғинг.
Неча нафсингға бўлурсан тобий,
Неча умрунгни қилурсан зойий.
Нияти ғазв илаким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен
Кимки ўлмак ўзиға жазм этар
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.
Дур этар жумла маноҳидин ўзин,
Аритур барча гуноҳдин ўзин.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.
Олгуну нуқра суроҳию оёк,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ.
Ҳозир айлаб борин синдурдим,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдим” [Бобур, 2002: 221].

“Бобурнома”да келган ушбу сатрларда Бобур тавбасининг сабаблари, руҳоният даражаси, тавба қилувчи ва ўқувчига фойдаси тўла акс этган. Бунда муаллиф ўз нафсини маломат қилади, унга қарата ўткир кинояга йўғрилган сўзлар айтади. “Эй нафс,-дейди Бобур,-қачонгача гуноҳдан завқ оласан. Тавба шаробидан ҳам ичиб кўргин. У ҳам бемаза эмас. Исён ботқоғида шунча ғарқ бўлганинг етар. Ўлим ҳақ. Ўлмоқ эса ҳар банда бошида бор. Шундай экан, эй нафс, ўлмасингдан бурун ўзингни тузат!”

Бобур кўнглининг асли мўъминлигини шундан ҳам билса бўладики, у чоғир мажлисларида пешқадам бўлган пайтларида ҳам кўнгли тубини хижолат, Оллоҳдан кўрқув ҳеч қачон тарк этмаган. Мана шу ботиний ҳолат, “тавба дағдағаси” билан изтиробда яшаш Бобурни охир-оқибатда чин тавбага олиб келди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, гуноҳ ишлар устида турган банда кўнглида пушаймонлик туйғуси мавжуд экан, ҳали ундан умид бор. Энг ёмони, гуноҳу маъсиятга ботинан рози бўлиш, гуноҳ кирини ҳис этишдек неъматдан бебаҳра қолишдир.

Бандамиз, ҳеч биримиз Бобур тушган ҳолату вазиятлардан ҳоли бўлолмаймиз. Бобур мирзонинг ўз хатолари билан бизга берган буюк сабоғи



шуки, тавба қилишга доимо шошилайлик, ажал етмасидан тавба қилишга улгуриб қолайлик.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов. – Т., 2002. – 335 б.
2. Бобурнома /Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев. В. Зоҳидов сўз бошиси ва таҳрири билан.-Т., 1960. – 512 б.
3. Азамат Зиё. “Ўзбек давлатчилиги тарихи” /<https://e-tarix.uz/vatan-tarixi>